



**БОҒДОРЧИЛИККА ИХТИСОСЛАШГАН
ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИГА ЯНГИ ВА
ТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАТБИҚ
ЭТИШ.**






Республика аҳолисини витаминларга бой, экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ва аграр тармоқнинг экспорт салоҳиятини оширишда катта имкониятларга эга бўлган боғдорчилик соҳасининг ўрни беқиёс. Ушбу имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш боғдорчилик соҳасини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятларини билишни ва улардан самарали фойдаланиш тадбирларини ишлаб чиқишни тақозо этади.




Боғдорчилик маҳсулотларининг барчасини сақлаш мумкин. Аммо бу жараён ортиқча сарф-харажатларни талаб этади. Шу боис уларнинг сақлаш учун қулай бўлган турлари ва навларини танлаш мақсадга мувофиқ. Масалан, уруғли меваларнинг барчаси сақлаш учун қулай бўлса-да, одатда, олманинг сақлашга фақатгина кечпишар (қишги) навлари олинади. Барча боғдорчилик маҳсулотлари транспортда ташиш учун қулай эмас, лекин уларнинг барчасини қайта ишлаш имконияти мавжуд. Уруғли мевалардан сифатли ва тўйимли мева шарбатлари, мурабболар, турли джемлар тайёрланса, данакли мевалардан турли мурабболар, компотлар ва шарбатлар тайёрласа бўлади. Лекин, қайта ишлашда бу жараёндаги технологияларнинг мураккаблик даражаси турличалиги ҳам атрофлича ҳисобга олиниши лозим. Жумладан, майда мевалар, субтропик мевалар ва данакли мевалар саноат асосида, шунингдек, уй шароитида консервалар, мурабболар ва турли компотлар тайёрлаш учун жуда қулай, уруғли мевалардан тайёрланадиган турли шарбатлар эса мураккаб технологиялар талаб этади.



Боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларини ривожлантиришда ҳисобга олиниши лозим бўлган ўзига хос жиҳатлари икки гуруҳдан иборатдир



Биринчи гуруҳга бевосита боғдорчилик соҳасида ишлаб чиқариш фаолиятини юритиш билан боғлиқ бўлган ўзига хос хусусиятларни киритиш лозим бўлади. Ушбу хусусиятларга:


1.Боғдорчилик маҳсулотлари таркибининг хилма-хиллиги ва турли кўриниш, тавсиф ва тузилишдаги ҳамда маҳсулотлар етиштирилиши билан боғлиқ омилларни ўзиг хослигини ҳисобга олиниши лозим. Боғдорчиликда кўплаб турдаги маҳсулотлар етиштирилиши билан биргаликда маҳсулотлар хусусиятлари ташқи кўриниши, товарлилик хусусиятлари, истемолчиларнинг сотиб олишдаги мақсадлари доирасидаги (истеъмол учун) фарқлар билан бир-биридан кескин ажралиб туради.



2.Шунингдек, фермер хўжаликларида боғ яратиш жараёни ва яратилган боғда ҳосил етиштириш маълум муддатни талаб этиши сабабли боғларни тез ўзгартириш мумкин эмас (иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламайди). Боғ эгасининг ортиқча мол-мулки ва меҳнати самарасиз сарф этилишига олиб келади.


Республикада экиладиган мевали боғларнинг таркибий тузилиши






Боғдорчилик маҳсулотларининг барчасини сақлаш мумкин. Аммо бу жараён ортиқча сарф-харажатларни талаб этади. Шу боис уларнинг сақлаш учун қулай бўлган турлари ва навларини танлаш мақсадга мувофиқ. Масалан, уруғли меваларнинг барчаси сақлаш учун қулай бўлса-да, одатда, олманинг сақлашга фақатгина кечпишар (қишги) навлари олинади.

Барча боғдорчилик маҳсулотлари транспортда ташиш учун қулай эмас, лекин уларнинг барчасини қайта ишлаш имконияти мавжуд. Уруғли мевалардан сифатли ва тўйимли мева шарбатлари, мураббolar, турли джемлар тайёрланса, данакли мевалардан турли мураббolar, компотлар ва шарбатлар тайёрласа бўлади. Лекин, қайта ишлашда бу жараёндаги технологияларнинг мураккаблик даражаси турличалиги ҳам атрофлича ҳисобга олиниши лозим




Боғдорчилик соҳасини ривожлантириш биринчи навбатда маҳсулотни ташқи бозорларга сотиш тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлиб қолмоқда. Чунки турли мулкчилик шаклидаги кичик ҳажмдаги маҳсулот етиштирувчи хўжаликлар сони ортиб, уларнинг бозордаги талаб ва таклиф ўзгаришига таъсир этиш имконияти пасайиб бораётганлиги экспорт қилиш тизимини ривожлантирилишини тақозо этмоқда.



Бундай тизим сифатида биринчи босқичда (интернетдан фойдаланиш даражаси ортиши давригача) вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари таркибидаги мева-сабзавотчилик бўлимида битта мутахассис учун жой ажратиш ва ушбу жойни компьютер ва модем алоқа воситалари билан таъминлаш орқали ахборот тўплаш ва тарқатиш механизмини жорий этиш мумкин. Ушбу «нуқта» вазифалари сифатида:

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи корхоналарнинг маҳсулот етиштириш бўйича мавжуд бўлган реал имкониятлари, фойдаланаётган технологиялари, экилаётган навлари хусусиятлари, бозорга таклиф этилаётган маҳсулотлар миқдори, сифати ва баҳолари тўғрисида;



- бозорларда шакланган талабга жавоб берувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини савдога чиқариш ва талаб ўзгариши прогнозлари асосида турли мавсумий маҳсулотларни бозорга таклиф этиш имкониятларини олдиндан режалаштириб қўйиш;
- истеъмолчилар маҳсулот намуналари, қадоқлаш усуллари билан танишишларини учун имкон яратиш (албом шаклида, сотувчининг манзили ва телефонлари кўрсатилган ҳолда);
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари истеъмолчилари (харидорлар) томонидан маҳсулот сотиб олиш мақсади ва муддати, ҳажми, таклиф этаётган баҳолари ва қизиқаётган қўшимча хизматлари доираси тўғрисидаги ахборотларни барча бозор субъектларига етказишдан иборат бўлиши лозим.